

**“Uzbekistan Airways” акциядорлик жамияти**  
**ягона таъсисчисининг 1-сонли**  
**Қ А Р О Р И**

2019 йил «26» август

Тошкент шаҳри

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

**1. “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг бирламчи акцияларини чиқариш.**

**2. “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг акцияларини бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.**

***Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5584-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2019 йил 26 июлда 5к-ПО-сонли “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинди.

“Uzbekistan Airways” АЖнинг устави Тошкент шаҳри, Миробод тумани Давлат хизматлари марказида 2019 йил 7 августда 750207-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

“Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг бошланғич устав капитали 3 499 050 522 500 (уч триллион тўрт юз тўқсон тўққиз миллиард эллик миллион беш юз йигирма икки минг беш юз) сўм миқдорида тасдиқланган ва номинал қиймати 100 сўм бўлган 34 990 505 225 дона акциялари давлат улуши сифатида жойлаштирилиши белгиланган.

“Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг бошланғич устав капитали “Ўзбекистон ҳаво йўлари” МАК дирекцияси (6 862 652 606,7 сўм), “Учувчилар мажмуаси” (3 490 169 062 323,7 сўм), “Ҳаво алоқалари бош агентлиги” (1 577 991 282 сўм) ва “Ўзавиатехтаъминот” моддий-техник таъминот базаси (440 816 298 сўм) давлат унитар корхоналарининг жами 3 499 050 522 510,40 (уч триллион тўрт юз тўқсон тўққиз миллиард эллик миллион беш юз йигирма икки минг беш юз ўн сўм 40 тийин) сўмлик мол-мулкларини баланс (қолдиқ) қийматида бериш ҳисобига шакллантириш белгиланган.

Бунда, жамият устав капиталига берилаётган мол-мулклар ва жамият устав капитали ўртасидаги 10 (ўн) сўм 40 (қирқ) тийин фарқ жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олиниши белгилаб қўйилган.

***Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:***

“Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг акцияларининг бирламчи чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун жамиятнинг акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорини амалдаги қонунчиликка асосан тасдиқлаш лозим.

Жамиятнинг бирламчи акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарори Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари (рўйхат рақами 2000, 30.08.2009й.) талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 26 июлдаги 5к-ПО-сонди буйруғига асосан **қарор қилинди:**

***1-масала юзасидан:***

1. “Uzbekistan Airways” АЖ акциядорлик жамияти томонидан умумий қиймати 3 499 050 522 500 (уч триллион тўрт юз тўқсон тўққиз миллиард эллик миллион беш юз йигирма икки минг беш юз) сўм бўлган номинал қиймати 100 сўмлик 34 990 505 225 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларнинг бирламчи чиқарилиши амалга оширилсин.

2. Бирламчи акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари куйидагича белгилансин:

акциялар ёпиқ обуна йўли билан Давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштирилади;

акциялар жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил ичида жойлаштирилади;

ушбу чиқарилишдаги акциялар “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ўртасида биржадан ташқари уюшмаган бозорларда тўғридан-тўғри битим тузиш ва Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади;

ушбу акцияларнинг чиқарилиши номинал қийматда, яъни 100 сўмдан жойлаштирилади;

акциялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5584-сон Фармони ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 26 июлдаги 5к-ПО-сонли буйруғига асосан “Ўзбекистон ҳаво йўлари” МАК дирекцияси (6 862 652 606,7 сўм), “Учувчилар мажмуаси” (3 490 169 062 323,7 сўм), “Ҳаво алоқалари бош агентлиги” (1 577 991 282 сўм) ва “Ўзавиатехтаъминот” моддий-техник таъминот базаси (440 816 298 сўм) давлат унитар корхоналарининг жами 3 499 050 522 510,40 (уч триллион тўрт юз тўқсон тўққиз миллиард эллик миллион беш юз йигирма икки минг беш юз ўн сўм 40 тийин) сўмлик мол-мулкларини баланс (қолдиқ) қийматида бериш ҳисобига амалга оширилади;

жамият устав капиталига берилаётган мол-мулклар ва жамият устав капитали ўртасидаги 10 (ўн) сўм 40 (қирқ) тийин фарқ жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилувида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олинади;

акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, шу кундан эътиборан ўн кунлик муддатда акциялар учун тўлови сифатида берилган воситалар белгиланган тартибда қайтарилади.



**2-масала юзасидан:**

1. “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг акциялар бирламчи чиқарилуви тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамияти бошқарув раиси вазифасини бажарувчиси Б.Хақимовга жамиятининг бирламчи акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

**Давлат активларини бошқариш  
агентлиги директори ўринбосари**



*Д. Юнусов*